



# Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 30 (11.841)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯПОНИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 2011 йил 8-10 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташриф давомида Токиода Япония Императори Акихито, Япония Бош вазири Наото Кан, Япония Парламентининг юқори ва қуйи палаталари раислари – Т.Нишиока ва Т.Июкомичи, таъкидлар вазири С.Маэхара, Япония демократик партияси – Ўзбекистон ва Япония Либерал-демократик партияси – Ўзбекистон парламент дўстлик лигалари раҳбарияти ва аъзолари билан учрашди.

Музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан, ҳамкорликнинг кенг қўлмали йўналишлари бўйича самарали ва батафсил мулоқот ўтказдилар.

Томонлар Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг ва 1991 йил декабрь ойида давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин икки томонлама алоқалар тенг ҳуқуқлиқ, конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш тамойиллари асосида изчил ривожланиб келаётганини таъкидладилар. Ўзбекистон Президентининг Японияга 1994 йил май ойидаги ilk ташрифи чоғида ўзаро узоқ муддатли ва кенг қўлмали муносабатларнинг мустақам асоси яратилди.

Токиода 2002 йил июль ойида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот Ўзбекистон-Япония олий даражадаги ҳамкорлиги ривожининг амалий ифодаси бўлди.

Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзумининг 2006 йил август ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида икки томонлама сиёсий мулоқот изчил давом эттирилди.

2010 йилнинг май ойида Тошкентда ўтган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида Япония делегацияси раҳбари бўлган, бугунги кунда ушбу мамлакат Бош вазири Наото Кан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашди.

Ўзбекистон ва Япония халқаро ташкилотлар ва институтлар доирасида ҳам конструктив ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзоллигига Япония номзодини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўз навбатида Япония Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Томонлар "Марказий Осиё + Япония" мулоқот механизми доирасида кўп томонлама алоқаларни фаол ривожлантирмоқда.

Икки мамлакат парламентлари ўртасида ҳамкорлик изчил йўлга қўйилган. Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалар Ўзбекистон ва Япония стратегик ҳамкорлигининг ғоят муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Япония Ўзбекистон Республикасининг энг йирик сармоявий шерикларидандир. Нефть-газ саноати, транспорт сектори, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги устувор лойиҳалар ижроси учун ажратилган молиявий маблағлар миқдори 2,3 миллиард, жумладан, давлат имтиёзли иенали кредитлар линияси бўйича – 1,2 миллиард, бегараз ёрдам линияси бўйича – 280 миллион, техникавий ёрдам линияси бўйича – 110 миллион, тижорий кредитлар линияси бўйича – 720 миллион АҚШ долларидан ошди.

Япониянинг етакчи компаниялари иштирокида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва Тошкент вагон таъмирлаш заводини реконструкция қилиш каби йирик инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилди, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги аэропортлар модернизация қилинди, мамлакат телекоммуникация тармоқлари рақамли тизимга ўтказилди.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон йўналиши бўйича замонавий темир йўл магистралаи барпо этилди. Самарқанд шаҳрида "Исузу" ва "Иточу" компаниялари билан тузилган автобуслар ва юк машиналари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона, шунингдек, акциялар пакетига "Сумитомо Корпорейшн" эгаллик қиладиган телекоммуникация соҳасида хизмат кўрсатувчи компания муваффақиятли фаолият юритмоқда. БМТ шафёлигидаги Тоша ривожланиш механизми доирасида Япония компаниялари билан биргаликда еттита лойиҳа амалга оширилмоқда.

2009 йил 24 сентябрда кучга кирган "Сармояларни либераллаштириш, ўзаро химоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги ҳукуматлараро битим Япония йирик компанияларининг Ўзбекистонга қизиқишини янада кучайтирмоқда, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда ўзбекистонлик шериклар билан барқарор алоқалар ўрнатишга хизмат қилмоқда.

Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдонинг ривожлантириш ташкилоти (JETRO) ўзларининг Тошкент шаҳридаги ваколатхоналари орқали Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Тошкентдаги Ўзбекистон-Япония маркази юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг ўқув дастурлари Япониянинг иқтисодий ривожлантириш тажрибасига асосланган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда 1994 йилда тузилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўшма маълумоти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ташриф доирасида Президент Ислам Каримовнинг Япония Бош вазири Наото Кан билан учрашуви ва музокаралари Ўзбекистон-Япония муносабатларига хос анъанавий дўстона, очиқ ва амалий руҳда ўтди. Томонлар сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликка оид кенг қамровли масалаларни муҳокама қилиш билан бир қаторда, халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Япония томони минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил ривожланишни таъминлашда Ўзбекистон халқулиги ўрин тутишини қайд этди.

Япония томони Ўзбекистон Республикасининг минтақамизга оид, жумладан, Ўрта Осиёдаги сув ресурсларидан фойдаланишга доир масалаларни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари асосида, минтақа давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда ечиш борасидаги саъй-ҳаракатларини эътироф этди.

Ўзбекистон ва Япония Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ушбу мамлакатда вазиятни барқарорлаштиришга салмоқли ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Афғонистоннинг тикланиши ва тинч-осойишда ривожланиши учун халқаро миқёсда ёрдам кўрсатиш жараёнини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Музокаралар чоғида савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташрифи доирасида Япониянинг юқори технологиялар соҳасига ихтисослашган йирик компаниялари билан қатор битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар мамлакатимиз иқтисодиётининг нефть-газ, кимё,

нефть кимёси, энергетика, машинасозлик, тўқимачилик саноати каби жадал ривожланаётган соҳаларига Япония технологиялари ва сармояларини жалб этишга қаратилган.

Узоқ муддатли асосда уран концентратини етказиб бериш, Ўзбекистон ҳудудидаги истиқболли майдонларда геология-қидирув ишларини олиб бериш, шунингдек, нодир металллар ва нодир элементларни олишда ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги битимлар тузилди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Япониянинг етакчи "Токио-Мицубиси" ва "Сумитомо-Мицубиси" банклари билан қўшма лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш тўғрисида битим имзолади.

"Тараққиётга расмий ёрдам" дастури доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувга эришилди. Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури доирасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Унда, жумладан, Қарши-Термиз темир йўли участкасини электрлаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистонга узоқ муддатли имтиёзли иенали кредит ажратиш назарда тутилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ўртасида имзоланган ташқи савдо ва сармояларни ривожлантириш тўғрисидаги меморандумда ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Япония юқори технологиялари ва ноу-хауларини мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш, энергия ва ресурс тежашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Расмий ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Япония Бош вазири Наото Кан Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги Қўшма баёнотни имзоладилар. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон-Япония муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларига берилган баҳо, шунингдек, халқаро майдондаги ҳамкорликка муштарак ёндашувлар ўз ифодасини топган.

Томонлар эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар серқирра ҳамкорликнинг асосини мустақамлаштини ва стратегик шерикликни янги, янада юқори поғонага қўтариш учун кенг имкониятлар яратишини таъкидладилар. (ЎЗА)

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасини ўрганишга бағишланган Тадбирлар давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Фарғона вилояти Бувайда туманида ташкил этилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Унда тумандаги касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Ўзбекистон Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Либерал-демократик партия ташаббуси билан уюштирилган семинар «Фермер хўжаликлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш» мавзусига бағишланди.

● Кўнғирот туманида пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш учун зарарли ҳашаротларга қарши курашишда биомеханотлардан фойдаланишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

● Чирокчи туманидаги «Қашқадарёқишлоққурилишсервис» масъулияти чекланган жамиятида пишиқ гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг 1 миллиард 76 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Ҳозир 47 та янги иш ўрни яратилган корхонада бир кеча-кундузда 60 минг донагача сифатли девор-боп материал ишлаб чиқарилаётган.

● Пешку туманидаги 5-мактабгача таълим муассасаси болаларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва жисмоний чинқишларига хизмат қилувчи 8 миллион сўмликка яқин жиҳозлар билан таъминланди. Бу хайрли иш Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида «Мақтаб таълимини ривожлантириш» лойиҳаси асосида амалга оширилди.

● Каттақўрғон шаҳрида «Зебо» хусусий маиший хизмат кўрсатиш корхонаси иш бошлади. 40 нафар киши доимий иш жойларига эга бўлган корхонада сартарошлик, кийим-кечак текиш, уй-рўзгор жиҳозларини таъмирлаш, компьютер, замонавий технологиялар ҳамда уяли алоқа воситаларини созлаш каби хизматлар кўрсатилаётган.

### ЖАҲОНДА

● Россияда Сочида ўтказиладиган қишки олимпиада тимсолларини ишлаб чиқиш жараёни якунланди. Улар орасида ҳозирда Корбоё етакчилиги қилмоқда.

● КХДР ва Жанубий Кореянинг икки мамлакат чегарасида жойлашган демилтан макомдаги ҳудуд ҳисобланмиш Пханмунчжомда ҳарбийлар даражасида ўтказилган навбатдаги музокаралар ҳеч қандай натижасиз якунланди.

● Лондонда «Викилик» сайти асосчиси Жулиан Ассанжни Швецияга қайтариш юзасидан қўшимча эшитувлар бўлиб ўтди.

● Адан қўлтиғида жойлашган Яманга қарашли Сокотра ороллари яқинида Италия байроғи остида сузаётган нефть қуйиш танкери Сомали денгиз қароқчилари томонидан қўлга олинди. Ҳозирча қароқчиларнинг талаби қандай бўлиши номаълум.

● Кеча АҚШнинг Шимолий Каролина штатида бир неча кишини гаровга олган жиноятчи полициячилар томонидан отиб ўлдирилди.

● Бошқирдистонда террористик ҳаракатларни амалга оширишга тайёргарлик кўраётган 4 кишидан иборат экстремистлар гуруҳи қўлга олинди.

● «IDC» компанияси таҳлилларга қўра, 2010 йил давомида дунё бўйича 1,39 миллиард дона мобил телефон сотилган. Бу 2009 йилдагига нисбатан 18,5 фоиз кўпдир. Ўтган йилда энг кўп маҳсулот сотиш борасида Финляндиянинг «Nokia» компанияси етакчилик қилди.

● Гаитида тарқалган вабо эпидемияси қўллаб инсонларнинг умрига зомин бўлди. Хасталик туфайли ҳаётдан қўз юмганлар сони 4 минг нафарга яқинлашиб қолган. Гарчи касалликнинг олдини олиш бўйича қатор чора-тадбирлар қўрилаётган бўлса-да, унинг тарқалиш суръати ҳамон юқори-лигича қолмоқда. Бунга Гаитига қўшни бўлган Доминикан Республикаси ва Венесуэлада қайд этилган нохуш ҳолатлар мисол бўлади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ МАРКАЗ ЯНГИ БИНОДА

Пойтахтимизда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тиббий-ижтимоий марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Унинг очилишида тегишли давлат ва жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, шифокорлар иштирок этди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси С.Иномова, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари М.Ҳожибеков ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустақамлашга, тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш ва жаҳон тиббиётининг энг илғор ютуқларини жорий этишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Аҳоли са-

ломатлигини муҳофаза қилишда Тиббий-ижтимоий марказларнинг ҳам муҳим ўрни борлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мазкур марказлар фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим дастуриямал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ўрни ва мавқеи тобора ошиб бораётган. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори бу бородаги ишлар қўламинини янада кенгайтиришда муҳим дастуриямал бўлиши шубҳасиз.

Қарорда соҳа субъектларини ахборот билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда уларга консультатив қўмак бериш тизимини янада ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатлари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

## 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

**Бозор иқтисодиётига асосланган хўжалик юритиш шароитида тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга бугун энг долзарб ва муҳим масалалардан бири сифатида қаралмоқда, республикамиз сиёсати стратегиясини ҳам айнан иқтисодиётнинг шу тармоғини ривожлантириш ташкил этади.**

Бу масаланинг муҳим ва долзарблигини Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридаги «Кичик бизнес — жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўтадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу — республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишдир. Бу — янги иш ўринларидир. Шунинг ҳамиса назарда тутиш кераки, фақат кичик

Сўнгги йилларда бу йўналишда муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тамойиллари, шунингдек, уларга бериладиган имтиёз ва енгилликлар тизими аниқ белгилаб қўйилди. Хусусий корхона тўғрисидаги қонунлар қонун нуқтаи назаридан мустаҳкамланди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби тубдан янгиланди ва соддалаштирилди.

Айни пайтда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъми-

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратишимиз лозим.

Алоҳида катта эътиборни талаб этадиган яна бир масала шуки, ҳозирги вақтда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, асосан, савдо-сотик, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда.

Лекин, шу билан бирга, саноат соҳасида юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтастар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилidir» мавзuidaги маърузаларида айтганларидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз.

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам, яъни ўрта синф юртимизда амалга оширилган ислохотларимизни янада муқарраб беришдан, мамлакатимизнинг изчил ривожланиши билан барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Ушбу маърузада давлатимиз раҳбари такрор ва такрор таъкидлаганларидек: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт.

**Ҳолида САЙДАЗОВА,**  
Тошкент шаҳар транспорт прокурори ўринбосари

## ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

ноти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашни ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш даркор.

Яна бир муҳим масала — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш билан боғлиқдир. Албатта, сўнгги йилларда хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдан 13 фоиздан 7 фоизга тушириш ёки қарийб 2 баробар камайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини унча катта имкониятлар туғдирмоқда.

Шунингдек, 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга қўрсатилган янги бир имтиёз бўлиб қолади.

Бу борада амалга оширилаётган ишларимиз билан чекланмасдан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар қўришимиз зарур.

## МУЛКИЙ НИЗОЛАР ҲОЛИСОҢА ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

**Кун кеча Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали томонидан «Тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар ўртасидаги қарздорлик ҳамда бошқа мулкрий низоларни судда ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, бу борадаги суд амалиёти» мавзуда анжуман ўтказилди.**

Соҳа ходимлари, хўжалик, фуқаролик ишлари бўйича шаҳар суди, «Ўзсаноатқурилишбанк», суд ижрочилари департаменти шаҳар ҳудудий бошқармаси ходимлари, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари иштирок этган ушбу тадбирда сўз олган Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси раиси И.Долимов «Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси тизимида ҳакамлик судларининг фаолияти ва ривожланиши», Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси А.Сиддиқов «Тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги қарздорлик ҳамда бошқа мулкрий низоларни судда ҳал қилиш, бу борадаги суд амалиёти», Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти грант раҳбари Ф.Отахонов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими» каби бир қатор мавзуларда маъруза қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали бошлигининг биринчи ўринбосари А.Магамедов «Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиалининг фаолияти» ҳақида йиғилганларга тўлиқ маълумот бериб ўтди.

Ҳакамлик суди — фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат органи, — деди хусусан А.Магамедов. — Ҳакамлик судларининг фаолияти қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошқор қилинмаслиги, судьяларнинг ҳолислиги, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади. Бугунги кунда ҳакамлик судининг қулайликларини фуқаролар тушуниб етмоқдалар ва хўжалик субъектлари ҳакамлик судларига кўпроқ мурожаат етмоқдалар. Ўтган 2010 йилнинг ўзига ЎзАҚСА Тошкент шаҳар филиали ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларига жами 11 миллиард 660 миллион сўмлик 626 та даъво аризалари келиб тушган бўлиб, шундан 536 таси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолаарга, 90 таси тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолаарга тааллуқлидир. Ҳозирги кунга 5 миллиард 400 миллион сўмлик 379 та даъво аризалари қўриб чиқилиб, ҳал қилинган. Уларнинг аксарият қисми қаноатлантирилган, кўп қисмининг тарафларнинг келишуви билан тугатилишига эришилган.

Анжуман давомида 2011 йилнинг Президентимиз томонидан эълон қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ҳар бир соҳа вакили учун катта масъулият юклаши, бинобарин, ушбу йилда мамлакат иқтисодиётига катта улуш қўшадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини янада самарали, қонуний ҳимоя қилиш, уларнинг ривожланишига тўққинлик қилиш мумкин бўлган ҳолатларга батамом чек қўйиш жоизлиги, нафақат давлат, балки нодавлат тузилмалар ҳам бунга бефарқ бўлмасликлари лозимлигига эътибор қаратилди.

Қатнашчилар учун жуда маълумотларга бойлиги, қизғин савол-жавоблар билан ўтган ушбу давра суҳбати барчада катта таассурот қолдирди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## ТАДБИРКОРЛИ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси си А.Шайхов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раисининг ўринбосари Т.Турсунов, Бош қуратура бошқарма бошлиғи И.Жасимов вшқалар мамлакатимиз иқтисодиётини ривантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, қимиз турмуш фаровонлигини оширишдаки бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари салмоқли ҳисса қўшаётганини алоҳида ёдлади. 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ичаҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес суллаари томонидан яратилган бўлса, бу рақа)10 йилда 53 фоизи ташкил этди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қчилик палатаси депутатлари, тадбиркорлик сктлари вакиллари иштирок этган тадбирдта-хассислар томонидан тадбиркорлар учуиллий қонунчилигимизда белгиланган имт ва кафолатлар хусусида батафсил маълумлар берилди. Ишбилармонларни қизқитирилган олларга жавоб қайтарилди.

**Н.АБДУРАЙВА,**  
ЎЗА мври

## Алоқа

### ЯНГИ ҚУРИЛМАЛА КЕЛТИРИЛДИ

**«Тошкент — Бухоро йўналиши» телекоммуникация транспорт тармоғини модернизациялаш» лойиҳаси ижтимоий инфратузили янада ривожлантиришда муҳим ил бўлмоқда.**

Ушбу лойиҳа доирасида ўтказилган ёгендерда ўнга яқин хорижий мамлакатлар лпанялари иштирок этиб, мақбул дастурлақтақдим этдилар. Компанияларнинг техник молиявий тақлифларини баҳолаш жараёнидидиб чиққан компания билан зарур техника италарини етказиб бериш бўйича шартномизоланди.

Ушбу келишув доирасида кўплаб қурвалар келтирилиб, жойларга етказиб берилди. Отаж ишлари яқунланиб, ўрнатилган усулар тажрибавий экспозицияга топширилди.

## ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

**Қишлоқларимиз инфратузилмни тубдан янгилаш, аҳолига ҳам шаҳардагидан кам бўлмаган ш шароитларини яратиш борасида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси катта бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда.**

Бу ўзгаришларга телекоммуникациязимларини замонавийлаштирмасдан шиб бўлмайди.

Шу боис ҳам ишлаб чиқилган, «Нот-ЭЛСГМ» рақамли кичик симлиги телефтанцияларини қишлоқ АТСларига ўрнатилган натижаларни берди. «Телемахэлектик» масъулияти чекланган жамияти тўғридўғри инвестиция киритди.

## ЗАМОНАВИЙ МОСЛАМАЛАР

**«Алоқалойиҳа» масъулияти чекланган жамияти замонавий «қа иншоотларини бунёд этишда беита иштирок етмоқда.**

«Навоий» эркин индустриал иқтисодиуддаги алоқа ускуналарини йиғишга мўлланган завод лойиҳаси ҳам тайёр бўлди. Я корхона ҳудудида техникавий қурилмаларсламалари ҳам тайёрланади.

## Тиббиёт

### ҚУЛАЙ ВА САМАРАИ

**Темирийўлчиларнинг «Назарбе санаторий-профилаторийсида бий хизмат кўрсатиш хашини йўлга қўйилган. Асаб хасталигига чалинганларни даволашда ҳамғор усуллардан фойдаланилмоқда.**

Электр тўлқинлари ёрдамида ухлатицараёни ҳам саломатликни тиклашда қўл келжади. Тиббий электр мосламалар ҳам шифрларнинг ишончли воситасига айланиб қи. Бу мосламалар ёрдамида энг паст тўлқи токлар, юқори тўлқинли токлар ҳосил қили, турли муолажаларда қўлланилмоқда. Маг майдончи, нурлар ҳам ўз самарасини бермо. Ультратовушли тўлқинлар эса янги усул атида эътироф қилинди.

**АкбарПНЕВ**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Матбуот марказида янги ташкил этилган «Парламент журналистлари клуби»нинг илк мулоқоти бўлиб ўтди.**

## ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ КЛУБИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда матбуот ҳамкорлиги масалаларига бағишланган мазкур мулоқотда соҳанинг етук мутахассислари, олимлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, кўмиталар ва фракцияларнинг масъул аъзолари, мамлакатимизда фаолият юритаётган турли газета ва журнал тахририятлари бош муҳаррирлари ҳамда Қонунчилик палатаси ҳузурда Аккредитация қилинган журналистлар иштирок этди.

Мулоқот давомида оммавий ахборот воситаларида парламент фаолиятини ёритишнинг замонавий технология ва усуллари, хорижий тажриба, истиқболдаги вазифалар, Парламент фаолиятини ёритишда журналистлар дуч келаётган муаммолар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий асосларини либераллаштириш ва демократлаштириш, уларнинг молиявий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш, Интернет журналистикасини ривожлантириш, жойларда малакали журналистлар тайёрлаш тизимини тако-

миллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётди. Тадбир давомида босма нашрларнинг электрон нусхаларининг қўрилиши ва контентини яхшилаш ҳамда партия матбуотини ривожлантириш, унинг жамият сиёсий ва электорал маданиятини оширишдаги вазифалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда журналистларнинг депутатлардан тадбир бошланишидан олдинги тугагандан сўнг интервьюлар олиш тартиби, депутатлар томонидан қонун лойиҳаларини ишлаш жараёни ҳамда ички гуруҳ муҳокамаларини жонли тарзда жамоатчиликка етказишга алоҳида эътибор қаратилиши, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини ёритишда журналистлардан талаб қилинадиган масъулиятли вазифалар тахлил қилинди.

Мулоқот сўнггида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида эндигина фаолият юрита бошланган «Парламент журналистлари клуби» нинг 2011 йилги ишчи дастури тузилиб, унда белгиланган вазифалар билан барча журналистлар таништирилди.

**Азима ҚИЁСОВА,**  
«Туркестон-пресс»



## ТИББИЙ-ИЖТМОИЙ МАРКАЗ ЯНГИ БИНОДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қарор ижроси доирасида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тиббий-ижтимоий марказлари томонидан чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар саломатлиги сифатли тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Оилалардаги ижтимоий шароит ва психологик муҳит тизимли ўрганилиб, тегишли амалий ёрдамлар кўрсатилаётди.

Жамғарма тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида Жанубий Корея, Германия, Малайзия, АҚШ сингари давлатларнинг хайрия жамғармалари, катта илмий шароитга эга шифо муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Мазкур Тиббий-ижтимоий

марказ ҳам «Корея соғлиқни сақлаш учун» халқаро жамғармаси ҳамкорлигида қайта қурилиб, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Марказда аёлларда учрайдиган кўкрак бези касаллигини эрта аниқлайдиган махсус ускуна, шунингдек, ультратовуш текширув аппаратлари, гинекологик жиҳозлар тўплами, болалар касалликлари ҳамда кўз хасталикларига ташхис қўювчи ва даволовчи асбоб-ускуналар ўрнатилди.

**Гўзал САТТОРОВА,**  
ЎЗА мухбири  
**Мухаммад Амин**  
(ЎЗА) олган суратлар

Дам олиш соатларида



Инсон ва Ой сайёраси

ОЙНИНГ ЯНГИ ХУСУСИЯТИ

Ерда энергетик ва бошқа қувватлар захираси ҳалокатли тарзда камайиб кетганида Ой ва астероидлар инсонлар учун «халоскор хас» бўлиб қолиши мумкин. Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошидаги Давлат астрономия институти Ой ва сайёраларни тадқиқ этиш бўлими мудир Владислав Шевченко олтинчи Халқаро аэрокосмик конгресс давомида шундай фикрни билдирган.

Мутахассис маълумотларига кўра, Ерда йилига тахминан 20 ТВт миқдорида энергия ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади. Аҳоли сонининг ўсиб боришини ҳисобга оладиган бўлса (аср охирига бориб аҳоли сони 10 миллиардга етиши керак), XXII аср ўрталарига бориб Ерда 100 ТВт миқдорида энергия ишлаб чиқарилиши лозим. Аммо 90 ТВт даражасининг ўзи ҳалокатли чегара ҳисобланади.

Юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш йўлини олим Ой сайёраси ва астероидлардан излашни таклиф этади. «Инсониятга Ой ниҳоятда зарур, зеро, у табиий ресурсларнинг бой манбаидир, Марсга учушнинг илмий зарурати кўп эмас, амалий аҳамияти эса — йўқ даражада», — деб уқтиради у. Ойда кремний, алюмин, темир, титан, кислород ва водороднинг, шунингдек, гелий-3 нинг улкан захиралари мавжуд. Чунинчи, 100x100x10 м ҳажми битта Ой «каръери»да шу бойликларнинг ўн минглаб тоннасини қазиб олиш мумкин.

Астероидларга келадиган бўлса (уларнинг диаметри 1 километр ва ундан ортиқ бўлганлари тахминан 10 мингга етади), шундай «фазовий дайди»нинг биттаси инсониятни темир билан 5 минг йилга таъминлаши мумкин.

Истасангиз — ҳазил, истамасангиз — чин

НАТИЖАНИ ТЕЗДА КЎРАСИЗ

Моддий фаровонликка эришиш учун албатта ишнинг кўзини билиш лозим. Харьковлик фан номзодининг айтишича, ҳамён ҳамиша пулга тўла бўлиши учун халқ удумларига риоя қилишнинг ўзи кифоя экан. Удумлар пулни кўпайтириш омилларини аниқ айтиб беради, деб ҳисоблайди у. «Информнаука» сайти унга таяниб хабар қилишича, муайян тамойилларга риоя этилса, моддий муаммоларни четлаб ўтиш мумкин экан.

Пул билан боғлиқ иримларнинг анча-мунчаси овқатланадиган хонтахта (ёки стол) билан боғлиқ. Агар у воситачилик ролини ўйнайдиган бўлса, унинг устига ташланган майда пул ё тангалар ёки уй қалитлари бошқа оламга тушади. Бундай ҳолатда «пул ётган жойга хонадон қалитларини топширган» одам молиявий муаммоларга дуч келаркан. Қалитини стол устига ташлаб юрадиган аёнинг эътироф этишича, бу одатини тарқ этиши билан ортиқча уринишларисиз моддий ахволи яхшиланбди.

Бўшлиқ ва унинг рамзи бўлган ҳамма нарса пулниң душмани. Шунинг учун хонтахта устида бўш шиша

идишнинг туриши — бутунлай номақбул ҳолат. Бўшлиқ рамзларидан бири — бу ҳуштак чалиш. Афтидан, уйда хуштак чалма, деган таққ ҳам айнан шундан келиб чиққанига ажабланмаса ҳам бўлади. Яланғоч, усти бекитилмаган нарсалар ҳам бўшлиққа алоқадор ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда кексаларимиз, дастурхондан увокларни қўлинг ўзи билан сидириб олишни ман этишади. Яъни стол, хонтахта устида дастурхон тўшалган бўлиши ва увокларни сочиқ ёки латта билан йиғиб олиш тавсия этилади. Дастурхон бўлма-са, жилла бўлмаганда, клеёнка ёзилиши керак. Шу тариқа, дастурхон ат-

рофида ва айна пайтда бутун уйда тартиб ўрнатинг. Қалитларни дуч келган жойга ташлаб қўйманг. Бўш шишаларни топшириб юборинг. Уйни албатта супуриб-сидириб туринг, зеро, ҳар қандай чиқинди, ифлослик ноҳушлик келтиради. Уйда албатта битта супурги бўлиши, уни харид қилишдан савдолашмаслик, уни ётқизиб қўйган ҳолда сақлашни тавсия этишади қарияларимиз. Хоналарни супурганда чиқиндиларни остона олдида йиғиштириб олиш керак экан, акс ҳолда супуринди билан барча пулларингизни ҳам чиқариб ташларкансиз. Юқоридагиларга амал қилинг ва натижани кутинг...

Тадбирлар

МАҲАЛЛАДА АДАБИЙ КЕЧА

Буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони, беназир аллома Алишер Навоий таваллуд кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда.

Хусусан, Олмазор туманидаги Алишер Навоий номи маҳаллада шоир, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, ўқувчи-ёшлар даврасини кенг қамраган ҳолда буюк адибни хотирлаб катта маънавий-маърифий, илмий-адабий кеча ўтказилди.

Унда сўз олган Тўра Мирзо, Темур Убайдулло,

Амир Худойбердиев, Нуриддин Аминжонов ва бошқа шоир-ёзувчилар ҳазрат Навоий яратган бебаҳо асарлар қадр-қиммати бугунги кунга келиб ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотмагани, ёшлар қалбида она-Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат ҳисларини уйғотиши, уни ўрганиш асносида

инсон қалбида эзгулик, ватанпарварлик фазилатлари жўш уриши ҳақида фикр билдириб, Навоийнинг шеър ва ғазалларидан намуналар ўқиб бердилар.

— Улуғ аллома таваллуди муносабати билан унинг номи билан юритилувчи маҳалламизда ҳар йили анъанавий тарзда чиройли

кеча ташкил этилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Мансуров. — Тадбирга эл севган санъаткорлар, адиб ва сўз усталарини таклиф этдимиз. Уни ўтказишдан эса ёшларимиз қалбида улуғ боболаримиз ижодий меросини ўрганиш, ҳурмат-иззат кўрсатиш, қадрлаш каби эзгу фазилатларни уйғотиш каби мақсадни кўзлаганмиз.

Тадбир давомида 46-мактаб ўқувчилари ижросида Навоий асарларидан саҳна кўринишлари, ғазалларидан баҳру байтлар янгради, мумтоз наволар йиғилганлар қалбига бир олам фахр, қувонч улашди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

Бир қатор мамлакатлар астроном олимлари ўтган йилнинг октябрь ойида ноёб ҳодиса — ялт этиб чақнаган гамма нурланишини кузатишди. Биринчи бўлиб уни NASAга тегишли HETE фазовий аппарати пайқайди. У бир зумда гамма-нурланишни идентификациялаб, унинг осмондаги жойлашини аниқлади. Мазкур ахборот Ерда узатилиб, жаҳоннинг энг йирик обсерваторияларига етиб борди.

Фазо сирлари

ҚОРА ТҮЙНУКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Японларнинг Вако шаҳрида жойлашган ART теле-скопи биринчи бўлиб гамма-нурланиши чакноғига ўзини созлаб олди, ART чакноқ аниқланганидан атиги 193 сония ўтиши билан уни кузата бошлади. Орадан бирмунча вақт ўтганидан сўнг яна 50 га яқин теле-скоплар дунёнинг турли чеккаларидан туриб уни кузатишга киришишди.

Гамма-нурланишлар чакноқлари астрономлар томонидан тез-тез қайд этиб турилади. Бироқ, шу вақтга қадар улар устида бу қадар батафсил тадқиқотлар олиб борилмаганди. Гап шундаки, гамма-чакноқлар жуда қисқа вақт — 0,1 дан 100 сониягача давом этади. Кўпинча атрофни ўраб турувчи маконда материяга урилган тўлқин оқибатида юзага келадиган ҳамда рентген ва оддий кўз билан аниқлаш мумкин бўлган чакноқдан кейинги шуълани кузатишга муваффақ бўлиш натижасида эмпирикчиликнинг нобат орадаги асосий босқичи бўлиб Гамма-нурланишлар чакнаши улкан юдузларнинг

қора туйнукка айланиш вақтида (коллапс вақтида) ҳосил бўлади, деб ҳисобланади. Юлдуз фавқулодда қаттиқ қисилиб, айнан зич қора туйнукка айланишидан гамма-нурланиш юзага келади, деб фараз қилинади. Чакнаш жуда кам вақт давом этади, зеро, ҳосил бўлган коллапслар бутун атрофни ўраб турган материяни фотонни ҳам қўшиб юта бошлайди.

Тасвирланаётган гамма чакнаши GRB021004 индексини олган. Қора туйнукка айланган юлдуз Кўбшдан тахминан ўн беш марта оғирроқ бўлган. Мазкур ҳодиса бутун кузатувлар тарихи давомида энг батафсил ўрганилган чакноқ ҳисобланади. Шу билан бирга, гамма-чакноқдан ярим соат ўтганидан сўнг пайдо бўлган кейинги шуъланиши энергиясининг таъсири анча кўпайиши илк бор аниқланди. Тадқиқотчилар фикрига кўра, яна у ўша коллапсларга қисилган улкан юлдуз бўлиб, гамма-таркиби юқори қуллиниши чакнашнинг кичик бир қисми бўлиши мумкин.

ЯПОН ОЛИМЛАРИНИНГ НОЁБ ТОПИЛМАСИ

Япон олимлари ҳали дунёга келиб улгурмаган гўдак кулаётган ноёб фотосуратларни олишга муваффақ бўлишди.

Хомиланинг 23-хафталигида ультратовушли узок текшириш вақтида мутахассислар табассум қилиб турган гўдакнинг олтита суратини олишга улгуришган. Олимлар буни «тасодифий кулги» деб аташмоқда. «Хис-ҳаяжонлар эволюцияси»ни ўрганишда муҳим қадам бўлади, деб ҳисоблашмоқда олимлар.



Ёш дизайнерлар

ХАНДАЛАР

Бемор шифокорга зорланади: — Доктор, ёрдам беринг, бир ойдан бери уйқуда тинчми йўқ. Хар кунни тушимга футбол ўйнаётган каламушлар кириб чиқади. — Мана шу суюқ дорини ичсангиз, хотиржам ухлайверасиз. — Уни эртадан кейин ичсам ҳам бўладими? — Бўлишга-бўлади-ю, аммо нега? — Эртага уларнинг финал ўйини бўлади-да... \* \* \* Тиш шифокори бормашина игнасини мижоз тишларига яқинлаштирар экан, пичинг қилади: — Адҳамбой, эсингдами, мактабда орқа партада ўтириб олиб, оркамга тўғнағич санчиб ўтирардинг?... \* \* \* Мижоз кўз шифокорига мурожаат қилади: — Мен дальтонизмнинг ғалати турига дуч келиб қолдим — битта рангни умуман кўрмайман! — Қайси ранг экан у? — Мен қаёқдан билая, доктор, ахир мен уни ҳеч қачон кўрмаган бўлсам! \* \* \* Обрўли университетлардан бирида абитуриент кириш имтиҳонини топширишга қиради. Қабул комиссиясининг раиси ундан сўрайди: — Хўш, айтингчи, бизнинг университетимиз нимаси билан сизни қизиқтириб қолди? — Ҳазилингизни кўйсангизчи, дада! \* \* \* — Бу кўлда балиқ овлаш мумкин эмас, — дейди нозир. — Ўзим ҳам ўйловдим-а: нега қармоғимга балиқлар илинмаяпти деб... \* \* \* — Яхшилаб дам олиб, ўзимга қараб олмасам бўлмайди, — дея қаҳвахона хўжайинига тушунтиради келишган ғазначи жувон. — Кўринишим яхши эмас... — Бемаъни гапингни қўйсанг-чи! — Ҳеч ҳам бемаъни эмас-да — мижозлар қайтимни санай бошлади... \* \* \*

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги P-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
<b>Директорлик лавозимига</b>		
1	Тошкент Давлат иқтисодийёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейи	Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-уй
2	Тошкент Молия институти қошидаги солиқ академик лицейи	Олмазор тумани, Саидов кўчаси, 3-уй
3	Тошкент Ирригация ва мелiorация институти қошидаги Юнусобод академик лицейи	Юнусобод тумани, Насирова кўчаси, 4-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза.
2. Сўровнома (справка-объективка).
3. Таржиман ҳол.
4. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси.
5. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
6. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
7. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
8. Паспорт (нусхаси).
9. Тасвирнома.
10. Меҳнат дафтаридадан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, Тел: 252-23-31, 252-23-35

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида ҳар ойнинг биринчи ва охириги жума кунлари соат 15.00 дан 17.00 га қадар

Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти биносида жойлашган тадбиркорлар уйида «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ташкил этилган.

Манзил: Мустақиллик шоҳқўчаси, 122-уй. Мурожаат учун телефонлар: 267-36-82, 267-36-86

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Учтепа тумани СИБ томонидан, 20.04.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан хатланган, Учтепа тумани, Халқа йўли кўчаси, 20-уйда сақланаётган, «Камаз-5320» русумли, д/р 10AR388 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 100 649,34 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 10 март куни соат 11.00да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rktmb.uz. Лицензия: ДВ 001 №000004.

## Спорт янгиликлари

## ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Таиланднинг Паттайя шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган «Pataya Open - 2011» халқаро турнирида дунёнинг кучли теннисчилари қаторида ўзбекистонлик Оқгул Омонмуродова ҳам голиблик учун куч синашмоқда.

Мамлакатимизда биринчи ракамли ракетка устаси нуфузли мусобақанинг дастлабки босқичида хитойлик Чжен Цзегга қарши кортага чикди. Беллашувда Оқгул 6:4,

7:6 ҳисобида зафар кучди ва кейинги даврада Жанубий Африка Республикаси вакиласи Шанель Схеперс билан рақобатлашадиган бўлди.

Яна бир спортчимиз – Денис Истомин АКШнинг Сан-Хосе шаҳрида Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) томонидан эркаклар ўртасида ўтказилаётган «SAP Open - 2011» халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Яккаликлар ўртасида бешинчи ракамда сараланган ҳамюртимиз биринчи учрашувини молдовалик Роман Борвановга қарши ўтказиб, 6:3, 7:5 ҳисобида галаба қозонди. Денис кейинги босқичда америкалик Майкл Расселга қарши кортага чиқади.

Зоҳир **ТОШХҲҲАЕВ**,  
ЎЗА мухбири

САМБО УСТАЛАРИ  
МАҲОРАТ  
КЎРСАТИШДИ

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида самбо бўйича аёллар ўртасида ўтказилган республика турнирида юз нафар ушбу яккакураш усталари ўзаро куч синашди. Иштирокчилар 48 килограммдан бошлаб то 80 килограммдан ортиқ бўлган жами 9 та вазн тоифасида ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Беллашувлар жуда қизиқарли ўтди. Қатнашчилар орасида кўплаб нуфузли халқаро турнирлар голибларини кўриш мумкин эди. Масалан, 52 килограммликлар ўртасида жаҳон чемпиони Дилфуза Убайдуллаева иштирок этди ва барча рақибларини енггани ҳолда голиблар сарфини бошқарди.

Шундай қилиб, 9 та вазн тоифасидан иккитасида ҳамшаҳарларимиз хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилдилар. Бунда 56 килограммликлар ўртасида Шохиди Назарова, 64 килограмм вазнда эса Наргиза Ҳамдамовалар галаба нашидасини суришди.

Қолган вазн тоифаларида Назира Фафорова, Ўғилрой Рўзметова, Гулмира Исмаилова, Элзара Умерова, Дилфуза Шарипова, Обида Алладустовалар олтин нишонларни кўлга киритишди.

**И.ДИЛШОДОВ**  
Алексей Попов олган сурат



Россиянинг пойтахти Москвада чоп этиладиган «Спорт экспресс» газетаси ташаббуси билан МДХ давлатлари ва Болтиқбўйи республикалари футболчилари ўртасида январь ойининг энг яхши футболчиси номи эълон қилинди.

## ХУШХАБАР

Унга кўра ҳамюртимиз, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Одил Аҳмедов январь ойининг энг яхши футболчиси дея эътироф этилди. Шуниси қувонарлики, сўровнома яқунларига кўра Одил Аҳмедов 40,6 балл жамғариб ўзининг энг яқин таъкибчиси, «Штутгарт» клуби вакили Павел Пагребнякни очколар ҳисобига икки баравар ортада қолдира олган.

Дарвоқе, ана шундай муваффақиятга Одил Аҳмедовдан аввал ўзбек футболининг юлдузи Миржалол Қосимов ва моҳир ҳужумчи Максим Шацких ҳам сазовор бўлган.

**АҚБАР ЙЎЛДӨШЕВ**

## «ПАХТАКОР» САРДОРИ РОССИЯДА

Сўнги кунларда «Пахтакор» жамоаси сардори, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг моҳир футболчиси Одил Аҳмедовнинг қайси клубга ўтиши ҳақидаги савол ақсарият мухлисларни қизиқтираётган эди.

Куни кеча ушбу савол ўз ечимини топди. Қатарда футбол бўйича уюштирилган Осиё чемпионатидан кейин Одил Аҳмедовга Саудия Арабистонининг «Ал-Шабаб» ҳамда Россиянинг «Анжи» клублари мураббийлар жиддий тарзда қизиқиш билдиришаётган эди. Узоқ давом этган музокаралардан сўнг Одил Аҳмедов «Пахтакор»дан «Анжи» клубига ижарага берилди. Ҳатто, Одил «Анжи» жамоаси сафида тиббий кўрикдан ҳам ўтди.

## ЛЕГИОНЕРЛАРИМИЗ СОНИ ОШАЯПТИ

Футбол мухлисларига маълумки, «Бунёдкор» жамоаси сардори, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг етакчи ўйинчиларидан бири, Осиёнинг 2008 йилги энг яхши футболчиси Сервер Жепаров ўтган йилги мавсумда Жанубий Кореянинг «Сеул» клуби таркибига тўп сурган эди.

Қатар яшил май-донларига ўтказилган Осиё чемпионатида ўз ўйинлари билан мутахассислар эътирофига сазовор бўлган Сервер янги мавсумни яна «Сеул» таркибига ўтказди. Аҳамиятлиси, эндиликда ҳамюртимиз жанубий корейликлар

билан уч йиллик битмига имзо чекди. Шунингдек, «Бунёдкор» жамоасининг яна бир аъзоси, моҳир ярим ҳимоячи Темура Кападзега ҳам Жанубий корейлик мутахассислар яхши баҳо беришди. Жорий йилдан бошлаб Темура ҳам Жанубий Кореянинг

«Инчхон Юнайтед» жамоаси сафида фаолиятини давом эттирди. Дарвоқе, моҳир ҳимоячимиз Анзур Исмоиловга ҳозирда хитойликлар қизиқиш билдиришяпти. Анзур ҳам жорий йилдан Хитойнинг «Чанчун Ятай» клубига тўп суриши мумкин.

## МУНОСИБЛАР ГОЛИБ БЎЛДИ

Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар бошқармаси мутахассислари ва вазирлик тасарруфидаги турли ташкилот ходимлари ўртасида спортнинг мини футбол, волейбол, стол тенниси, сузши турлари бўйича анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган мусобақалар яқунланди.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби юртимизда спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кўплаб спорт иншоотларининг қурилиши, турли спорт мусобақаларининг мунтазам равишда ўтказилиши ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Халқ таълими тизимидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари ўртасида ўтказилган мусобақа ҳам спортни янада оммалаштириш ва унга соҳа ходимларини кенгроқ жалб этиш мақсадига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди. Мурасасиз кечган мусобақаларда 19 жамоадан 247 нафар иштирокчи қатнашди.

Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялашда энг аввало уларнинг устозлари масъул саналади. Мазкур мусобақаларда умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳам барча спорт турлари бўйича ўзаро беллашиб, муваффақиятли натижаларни кўлга киритишди.

Мусобақа якунига кўра, спортнинг мини футбол тури бўйича «Ёшлик» Жисмоний тарбия ва саломатлик жамияти Марказий кенгаши жамоаси биринчи, Халқ таълими вазирлигининг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси жамоаси иккинчи, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси жамоаси учинчи ўринни кўлга киритди.

Аёллар ўртасида бўлиб ўтган волейбол баҳсларида эса Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси биринчи, ХТВ тасарруфидаги Республика мусика ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб интернати иккинчи, Халқ таълими вазирлиги жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Стол тенниси бўйича эркаклар ўртасида кечган беллашувда вазирлик Ахборот хизмати жамоаси вакили Бурҳон Ризоқулов биринчи, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 22-сон Мехрибонлик уйи директор ўринбосари Улугбек Ортиқов иккинчи ва Аниқ фанларга ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби директор ўринбосари Дилшод Носиров учинчи ўринга лойиқ топилди. Аёллар ўртасида кечган стол тенниси мусобақаларида Аниқ фанларга ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби директор ўринбосари Сауле Сағимбайева биринчи, «Зиёнет» ахборот маркази мутахассиси Раъно Ҳўжаева иккинчи, Филология фанларига ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси Лазиза Абдуллаева учинчи ўринни эгаллади.

**Азима ҚИЁСОВА**,  
«Туркистон-Пресс»

Москва шаҳрида ўтказилаётган «Aeroflot Open - 2011» халқаро шахмат фестивалида дунёнинг энг кучли шахматчилари қаторида ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов ҳам голиблик учун дона сурмоқда.

ҚОСИМЖОНОВ  
ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Нуфузли турнирнинг «А» гуруҳидаги беллашувларда рейтинг очкоси 2 минг 550 дан юқори бўлган 86 нафар шахматчи баҳслашмоқда. Иштирокчилар орасида жаҳон чемпионлигига даввогар спортчиларнинг кўплиги беллашувларга кескинлик бағишламоқда. 2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов шахмат фестивалининг биринчи турида россиялик гроссмейстер Андрей Девякинга қарши дона суриб, рақибини мот қилди.

Испаниялик Лопес Сальгадога қарши ўтказилган иккинчи партиядо қора доналарда ўйнаган ҳамюртимиз

дуранг натижа қайд этиб, иккинчи турдан сўнг 1,5 очко билан пешқадамлар сафида бормоқда. Рустам Қосимжонов навбатдаги учрашувини исроиллик гроссмейстер Максим Родштейнга қарши ўтказди.

«Aeroflot Open - 2011» халқаро шахмат фестивалининг «С» гуруҳида яна бир ҳамюртимиз Константин Раҳматуллаев ҳам қатнашмоқда. Юз нафардан зиёд шахматчи дона сураётган мазкур гуруҳда ўтказилган иккинчи турда К.Раҳматуллаев россиялик шахматчи аёл Марина Полозовани мағлубиятга учратди.

(ЎЗА)

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказилайдиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ Бошқаруvinинг 15.11.2010 йилдаги 76/3-сонли қарорига асосан «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ Нодирабеғим филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Зулфияхоним кўчаси, 8-а-уйда сақланаётган «Нексия» ГБА СНГ русумли, давлат рақами 01 402 LAA бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 10 190 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 14 март кuni соат 10.00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 14 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011

йилнинг 24 ва 28 март кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги кўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва  
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65, факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилди.  
4881 нусха босилди.  
Қотоз битими А-2



Тошкент шаҳрида 12 февраль кuni ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғи эҳтимоли бор. Ҳарбадан секундида 5-10 метр тезликда ш мол эсади. Ҳарорат кеча — 0-5 даража совуқ, кунда э — 0-5 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг монитори хизмати маълумотида кўр ри об-ҳаво шароити шаҳар ҳа муҳитида зарарли моддаларни бироз йилгилишига имкония яратади. Атмосферанинг ш лосаниши даражаси 1-3 фо кўпайиши тахмин қилинмоқда тағмиқдори паст бўлади.

Республиканинг ярим ҳудуди буйича 12 февраль кuni ҳаво ўзгариб туради, айрим жойлар-

да ёғингарчилик бўлади. То ли туманларда тоғ кўчи эҳтимоли бор. Ҳарбадан секундида 7-12 метр тезликда ш мол эсади. Ҳарорат кеча — 0-5 даража совуқ, кунда э — 0-5 даража илқ бўлади.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтама»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.